VII. ТОВАРЛАР ВА ХИЗМАТЛАР БОЗОРИ

2017 йил январь-сентябрда чакана товар айланмаси 3077,0 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,6 фоизга ўсди.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг мулкчилик шакллари бўйича чакана товар айланмаси

	млрд. сўм	*2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*Якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Жами	**3077,0**	**100,6**	**100,0**
шу жумладан: мулкчилик шакллари бўйича:			
давлат мулки	4,1	161,2	0,1
нодавлат мулки	3072,9	120,7	99,9
ундан фуқароларнинг хусусий мулки	2591,1	109,3	84,3

Савдо корхоналарининг чакана савдо айланмаси ҳажми 2016 йил январь-сентябрда 154,2 млрд. сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 22,8 фоизга камайган.

Якка тартибдаги тадбиркорликнинг жами чакана савдо ҳажми жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида 2378,4 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 100,4 фоизга ошган.

2017 йил январь-сентябрда чакана савдо айланмаси таркиби

	млрд. сўм	*2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*Якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Чакана товар айланмаси	**3077,0**	**100,6**	**100,0**
шу жумладан:			
савдо корхоналари	698,6	101,4	22,7
Якка тартибдаги тадбиркорлик	1815,1	100,7	59,0
уюшмаган сектор (ташкил этилмаган савдо фаолияти)	563,3	99,1	18,3

Умумий овқатланиш соҳасининг товар айланмаси 77,0 млрд. сўмга етди ёки

2016 йил январь-сентябрга нисбатан 99,3 фоизга ошган.

Чакана савдо (умумовқатланиш фаолиятини қўшган ҳолда) аҳоли жон бошига нисбатан ҳисоблаганда 99,0 фоиз ва 3244,1 минг сўмни ташкил этди (2016 йил январ-сентябрь ойиларида 2833,5 минг сўмни ташкил этган).

2017 йил январь-сентябрда **бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари** бўйича ҳажми 2186,3 млрд. сўмни ёки 2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш 104,3 фоизни ташкил этди, шу жумладан қишлоқ жойларида 523,2 млрд. сўм ёки умумий кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 23,9 фоизини ташкил қилди.

Бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари

	млрд. сўм	*2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
Жами хизматлар	**2186,3**	**104,4**	**100,0**
шу жумладан: хизмат турлари бўйича			
алоқа ва ахборотлаштириш хизмати	136,4	113,9	6,2
молиявий хизматлар	231,8	120,5	10,6
транспорт хизмати	530,6	99,4	24,3
шу жумладан :автотранспорт хизматлари	459,6	96,4	21,0
яшаш ва овқатланиш хизматлари	90,7	103,5	4,2
савдо хизматлари	770,1	99,9	35,2
кўчмас мулк билан боғлиқ бўлган хизматлар	47,6	102,6	2,2
таълим соҳасидаги хизматлар	70,8	104,7	3,2
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	18,5	110,9	0,9
ижара ва прокат хизматлари	37,7	100,9	1,7
компьютерларни ва маиший товарларни таъмирлаш хизматлари	46,4	101,0	2,1
бошқа шахсий хизматлар	58,6	100,7	2,7

	млрд. сўм	*2016 йил январь-сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида*	*якунга нисбатан фоиз ҳисобида*
меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	28,5	181,2	1,3
бошқа турдаги хизматлар	118,6	115,9	5,4

Хизматлар таркибида энг катта улуш савдо (жами хизматларнинг 35,2 фоизи), транспорт (24,3 фоизи) хизматларига тўғри келди.

Шунингдек, меъморчилик, мухандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар (181,2 фоиз), молиявий хизматлар (120,5 фоиз), бошқа турдаги хизматлар (115,9 фоиз), алоқа хизматлари (113,9 фоиз)да ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлари (110,9 фоиз)да ўсиш суръати юқори бўлди.

2017 йил январь-сентябрда бозор хизматлари ишлаб чиқаришнинг иқтисодий фаолият турлари

(умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида)